



# **СУВ ОМБОРЛАРИДА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**Марузачи:**

**т.ф.н. Ф. Гаппаров**

## ТАЪМИРЛАШ-ТИКЛАШ ИШЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Кузатишлар натижалари асосида сув омбори иншоотларини таъмирлаш ишларини ўтказиш режаси тузилади ва улар қуйидагилардан иборат бўлади.

Жорий таъмирлаш

Мукаммал  
таъмирлаш

Фавқулодда  
таъмирлаш

**Жорий таъмирлаш** ишлари сув омборидан фойдаланиш жараёнида аниқланган майда носозликларни бартараф қилиш учун ўтказилади. Иншоот яқинидаги музларни эритиш, қор ва ҳас-чўплардан тозалаш, сув сизувчи ёриқ ва тирқишларни беркитиш каби тадбирлар режали жорий таъмирлаш ишларида кўзда тутилмаган ҳолда навбатсиз амалга оширилади.

**Мукамал таъмирлаш** график бўйича бажарилади ва яроқсиз ҳолга келган, емирилган йирик деталлар ёки қисмларни алмаштириш, сув ювиб кетган жойларни қайта тиклашдан иборат бўлади. Иншоотларни мукамал таъмирлаш ишларини махсус таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари амалга оширади, жорий таъмирлаш ишларини эса махсус ташкилотлар билан бир қаторда сув омборини эксплуатация қилувчининг махсус таъмирлаш бўлимлари ҳам бажариши мумкин.

Режали таъмирлашлардан ташқари сув омборида сел-тошқинлар туфайли юзага келган носозликларни бартараф қилиш учун **фавқулодда таъмирлаш** ишлари олиб борилади. Фавқулодда таъмирлаш ишлари носозлик аниқланиши билан узлуксиз равишда кечаю-кундуз амалга оширилади ва носозликни тўлиқ бартараф қилингандан сўнг тўхтатилади.

# Темир-бетон иншоотларни таъмирлаш ва тиклаш

Бетондан қурилган гидротехник иншоотлар сувнинг ва ортиқча юкламанинг таъсирида юз берадиган бетон емирилиши, кавитация, ёриқлар пайдо бўлиши, шаклининг бузилиши ва бошқа нохуш ҳолатлар натижасида юзага келадиган бузилишлардан асралиши лозим. Бетон иншоотларни таъмирлаш ва тиклашнинг энг осон ва арзон усуллари қуйидагилардир:

- бетоннинг зичлиги ва сув ўтказмаслигини тиклаш учун цемент, цемент-коллоид ва карбамидли эпоксид смола қоришмалари ёрдамида инъекция қилиш;
- эски бетонни ўрнига янгисини қуриш, зарур ҳолларда арматурали тўрларни ишлатган тарзда;
- бузилган бетон юзаларини юқори босимда цемент-қум қоришмаси юбориб тиклаш.

Бетон юзаси дарё сувининг агрессивлигидан таъсир кўрган ҳолларда уни (юзани) гидроизоляция қилиш ёки эпоксид-полимерли пенопластлар билан қоплаш йўли билан агрессив муҳит таъсиридан ҳимоя қилинади. Одатда бетон юзасини қоплаш учун солярка ёки бензинда эритилган битумдан фойдаланилади. Битум билан қоплаш уч марта ўтказилади: биринчи мартада 75 % солярка ва 25 % битум (оғирлиги бўйича), иккинчи мартада 50 % солярка ва 50 % битум ва учинчи мартада 25 % солярка ва 75 % битум нисбати ишлатилади. Битум бетоннинг ичига 1-3 см га кириб кетади. Бунда битумнинг сарфи ҳар 4 м<sup>2</sup> га 1,2 кг ни ташкил қилади.

# Затворларни таъмирлаш ва тиклаш

## *Ишчи затворлар:*

Ушбу затворларни таъмирлаш вақтида очик ҳолатда бўлади ва таъмирланаётган затвор олдидаги авария-таъмирлаш затвори ёпилади.

- Барча металл қурилмалар, зичлагичлар (пазлар), затвор атрофидаги қопламалар кўздан кечирилиб, емирилган жойлар пайвандланади;
- Зичлагичлар текширилиб, ишдан чиққанлари алмаштирилади;
- Гермоқопқоқ ва гидропровод болтлари текширилиб, қотирилади;
- Занглаган юзалар тозаланиб, зангга қарши қоплама суртилади;
- Приводдаги мой текширилиб, меъёрга келтирилади;
- Заҳирадаги эҳтиёт қисмлар кўрикдан ўтказилиб, ишга яроқлилиги таъминланади.

## Авария-таъмирлаш затвори

Таъмирлашдан олдин таъмирлаш затвори ёпилади ва визуал кузатув олиб борилади носозликлар бўлганда, авария-таъмирлаш затвори кўприкли кран орқали олиниб қуйидаги таъмирлаш ишлари бажарилади.

- Барча металл қурилмалар, зичлагичлар (пазлар), затвор атрофидаги қопламалар кўздан кечирилиб, емирилган жойлар пайвандлаб тикланади;
- Зичлагичлар текширилиб, ишдан чиққанлари алмаштирилади;
- Гермоқопқоқ ва гидропровод болтлари текширилиб, қотирилади;
- Занглаган юзалар тозаланиб, зангга қарши қоплама суртилади;
- Приводдаги мой текширилиб, меъёрга келтирилади;
- Заҳирадаги эҳтиёт қисмлар кўрикдан ўтказилиб, ишга яроқлилиги таъминланади.